МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ

Ш. НЕЪМАТОВ

В статье рассматриваются правовые основы свободы совести граждан на основе закона «О свободе совести и религиозных организациях» новой редакции 1998 года, как результат приобретения независимости Узбекистана.

In this article the legal bases of freedom conscience of the citizens are considered on the basis of the law "About freedom of conscience and religious organizations" new edition in 1998, as result of purchase of independence of Uzbekistan.

Қўлга киритганимизга яқин 20 йил бўлаётган Мустақиллик шукрки, халқимизга беҳисоб неъматлар берди: ўзлигимизни англаш имкониятига эга бўлдик, узоқ йиллар топталган қадриятларимиз – тилимиз, маънавиятимиз, тарихимиз асл ҳолига келди. Улуғ аждодларимиз қолдирган бой илмий ва маданий меросдан ҳадик-хавотирсиз фойдалана бошладик. Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари билан ўз даврида етти иқлим тан олган олиму фузалоларимизнинг хотираларини абадийлаштириб, руҳи покларини шод айладик.

Энг муҳими – шўро дахрийлари томонидан камситилган, заҳри қотил – афюнга тенглаштирилган дину диёнатимизга қайтдик. Эътиқод эркинлигига эга бўлдик.

Исломий қадриятларимизни тиклаш масаласи мустақиллигимиз арафасидаёқ Ўзбекистон Президентининг диққат марказида бўлди. Аввало, мусулмонлар ҳаётидаги икки қутлуғ сана – Қурбон ва Рамазон ҳайитлари расман байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдек муқаддас китобларимиз ўзбек тилида минглаб нусхада чоп этилди. Улуғ уламоларимизнинг муборак қадамжоларини, масжиду мадрасаларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштиришга астойдил киришилди.

1990 йили Ўзбекистон ССР Президентининг "Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилишлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши ўша давр учун катта бир жасорат ва халқимиз ҳаётида муҳим бир воқеа эди. Ушбу ҳужжатга асосан, шу йили 500 нафар мусулмонлар муборак ҳаж амалларини бажариб қайтдилар. Ваҳоланки, 1980 йили собиқ Иттифоқ бўйига фақат 17 нафар фуқаро ҳаж сафарига юборилган экан. 1991 йилдан бошлаб эса мамлакатимиздан ҳар йили 5 минг нафардан зиёд мўмин-мусулмонлар давлат йўли билан муқаддас зиёратга юборилмоқдалар.

Ўзбекистон ССРнинг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни (1991 йил июнь)нинг қабул қилиниши ҳам юртимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бироқ, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ҳаётда ушбу қонуннинг ожиз томонлари сезилиб қолди. Бунинг бир мунча сабаблари бор эди.

Биринчидан, қонун қабул қилинганда, мамлакатимиз ҳали собиқ Иттифоқ таркибида бўлиб, табиийки, мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятида озми-кўпми шўролар сиёсатининг таъсири бор эди.

Иккинчидан, биз коммунистик мафкура таъсиридан эндигина халос бўлиб, мустақил давлат қураётган бир пайтда онгимизда мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлган, мустақиллигимизни кўра олмайдиган, қабиҳ ниятли хорижий душманларимиз учун бизга ғоявий хуруж қилишдек қулай бир имконият туғилган эди. Қонунда эса юртимизга дин ниқобидаги миссионерларнинг кириб келишини ёҳуд турли зарарли ғояларни тарғиб қилувчи адабиётларнинг олиб кирилишини тақиқловчи бирон-бир модда бўлмаган.

Учинчидан, 1980 йилларнинг охирларида Ўзбекистонда бор-йўғи 89 та расмий масжид бўлган бўлса, 1990 йиллар бошларида бу рақам яқин 5 мингтани ташкил этди. Афсуски, уларнинг катта қисми норасмий эди. Бу масжидлар ҳашар йўли билан қурилган ёки мослаштирилган бўлиб, архитектура ва шаҳарсозлик талабларига мутлақо жа-

воб бермас, энг ачинарлиси айрим масжидлар четдан келган даъватчиларнинг ғайриқонуний фаолият кўрсатиш масканига айланиб қолганди. Шу боис ҳам 1993 йилда қонунга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 1998 йилда эса қонун мутлақо янги таҳрирда, мукаммал ҳолда қабул қилинди.

Кези келганда янги таҳрирдаги қонуннинг аввалгисидан қандай фарқлари борлигини таҳлил этиш ўринли, деб ўйлаймиз.

Қонуннинг 5-моддасига асосан: “Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар”[2]. Дарҳақиқат, 90-йилларнинг ўрталарида мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида олиб борилган хуфиёна миссионерлик ҳаракатлари “ўз самараси”ни бера бошлади. Масалан, Навоий вилояти ҳамда Фарғона шаҳрида айрим мусулмонларнинг насронийликка ўтиш ҳолатлари кузатилди. Ҳолбуки ўз динидан кечиб, бошқа динни қабул қилган одам прозелит деб аталади. Шунинг учун ҳам янги қонунда прозелитизм ва миссионерлик фаолияти тақиқлаб қўйилди.

Қонуннинг 8-моддасига асосан: “Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади”ган бўлди. 1991 йилги қонунда бу миқдор ўнта қилиб белгиланган эди ва кўриниб турибдики, эски қонун бўйича диний ташкилот тузиш жуда ҳам осон эди. Бундай қулай имкониятдан эса айримлар ғайриқонуний мақсадларда фойдалана бошладилар. Жойларда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, норасмий диний ташкилотлар, жумладан, ибодатхоналар сони кескин кўпайиб кетди. Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, диний ташкилотларнинг нуфузини янада ошириш мақсадида янги қонунда уларни рўйхатга олиш масаласига жиддий қаралди, бу жараёнга нисбатан талаб кучайтирилди. “Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари тузилиши мумкин”[2]лиги ҳам айнан шу модда билан мустаҳкамлаб қўйилди. Буни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли диний конфессия вакилларига бир хил эътибор қаратиш деб тушуниш керак.

Қонундаги яна бир фарқ (8-модда) шундан иборатки, “Тегишли маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади” [2]. Ҳеч қандай диний маълумотга (қонуний) эга бўлмаган, маҳаллий муллаларга шогирд тушиб, саводини чиқарган кишиларнинг диний ташкилотларга раҳбарлик қилиши қандай оқибатларга олиб келганлигини ҳаётда ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳар бир масжидда ўз ҳолича тартиб-қоида ўрнатилганлиги, ҳатто бир қишлоқда яшайдиган мусулмонлар ўртасида ҳам турли қарашларнинг шаклланишига, ихтилофлар пайдо бўлишига олиб келди. Ноқонуний масжидларнинг чаласавод имомлари жаноза ва бошқа маросимларда уларни қай тартибда ўтказиш юзасидан ўзаро тортишиб, маҳалла кўй олдида бир-бирини ҳақоратлашгача бориб етдилар.

Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларнинг жойлардаги диний ташкилотларга раҳбарлик килиши бундан ҳам хунук оқибатларга олиб келганлиги, улар ўз фаолияти давомида ғаразли мақсадларни амалга оширишиб, конституцион тузумга қарши сиёсат юргизганликларини яхши биламиз. Шу маънода қонунга мазкур ўзгаришларнинг киритилиши диний ташкилотларда мана шундай салбий ҳолатларнинг такрорланмаслигига кафолатдир.

Қонуннинг 9-моддасида “Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли” эканлиги белгилаб қўйилди [2].

Қонуннинг 16-моддасига кўра: “Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади”ган бўлди [2].

Қонуннинг диний адабиётларга тегишли бўлган 19-моддаси ҳам бир қадар ўзгартирилди: “Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир” [2]. Мазкур қоида Ўзбекистон ҳудудига диний адабиётлар олиб кирилишини тартибга солишга қаратилгандир.

Умуман олганда, мазкур қонун ижроси юзасидан жойларда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, мустақилликкача юртимизда исломдан сабоқ берувчи 2 та мадраса фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 10 тага етди,

шундан 2 таси аёл-қизлар (Тошкентдаги Ҳадичаи Кубро ва Бухородаги Жўйбори Калон) ислом ўрта махсус билим юртларидир. Андижондаги Саййид Муҳйиддин Махдум ислом ўрта махсус билим юрти эса юқоридаги ўнта мадарасалардан бири ҳисобланади. Тошкент ислом институтининг фаолияти кенгайтирилди, 1999 йили Тошкент ислом университети (дунёвий олийгоҳ) очилди. Университет қошида ислом академик лицейи ҳам ишлаб турибди.

Бугун мамлакатимизда 1900 тага яқин расмий масжидлар бор. Исломдан ташқари юртимиздаги яна 16 та диний конфессияни қўшиб ҳисоблаганда, республикамиздаги жами диний ташкилотлар сони 2050 тадан ортади. Вилоятимизда эса 181 та масжид фаолият юритяпти. Шўролар даврида икки миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Андижон вилоятида 12 та масжид бўлганлиги шўро ҳукуматнинг ўта нозик масалага қанчалик эътиборсизлик билан қараганидан далолат беради. Яна бир далил, аҳолиси 110 минг нафарни ташкил этган Марҳамат тумани мусулмонларининг бир қисми Асака шаҳрига, бир қисми Қува шаҳрига, яна бир қисми Қирғизистоннинг Аравон районига бориб ибодат қилиб келганликларини эслаганда, бугун юртимизда амал қилаётган эътиқод эркинлиги нечоғли буюк неъмат эканлигига амин бўласан, киши.

Юқоридагилардан кўринадики, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун ҳаётий эҳтиёж ва тарихий шароит заруратидан келиб чиқиб, ўз вақтида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Бу Қонун диндорлар ҳуқуқини бирор-бир даражада чеклаган эмас. Аксинча, у эътиқод эркинлигини Қонун йўли билан мустаҳкамлади, диндорларни ҳар хил нопок ниятли кучлар таъсиридан ҳимоя қилди. Қонун мамлакатимиздаги барча одамлар, турли динларга сиғинувчи кишилар учун ҳам ўз эътиқодларини амалда намоён этиш, бунинг учун диний муассасалар, сиғиниш жойлари (масжид, черков, синагог, ибодатхоналар)дан фойдаланиш, диндорларнинг мол-мулкини дахлсиз сақлашга имконият яратди.

Зеро, юртимиздаги эътиқод эркинлигининг ҳуқуқий асоси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг илдизи бўлган Ўзбекистон Конституциясида шундай жумлалар бор: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга...” [1;8]. Шунингдек, конституциянинг 57-моддасида қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин:

“Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверинитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади”.

Ушбу моддалар ижросининг назорати ишончли қўлда эканлигига эса Президентимизнинг “Туркистон – пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволига берган қуйидаги жавобини ўқиб, яна бир бор иқрор бўлдим: “Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман” [3;14].

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 20082.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонуни” / Халқ сўзи.- 1998.- 15 май
3. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.- Т.: Ўзбекистон, 2000
4. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлидан.- Т.: Ўзбекистон, 1998
5. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2009
6. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т.: Мовароуннаҳр, 2000

Андижон давлат университети,
2009 йил 10 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)